

## **ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**Светлана Владимировна Темирова**

ТДТрУ Ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада олий таълим тизимида талабаларга таълим-тарбия беришни методологик асослари ҳамда Ўқув машғулотидаги асосий муаммолардан бири талабаларнинг дарс машғулотида фаоллаштириш, назарий-амалий билимларни ўргатиш, диққатни жамлаш ва қўллаш усуллари эгаллашни яхшилашдан иборат. Олий таълим тизимида инновацион методология орқали талабаларга билим бериш хусусиятлари кўрсатилиб берилган.*

***Калим сўзлар:** Таълим тизими, методология, таълим-тарбия, интерфаол методлар, педагогика, инновацион технология, ўйин технологияси, юксак маънавият.*

### **ABSTRACT**

*In this article, the methodological basis of education and training of students in the higher education system and one of the main problems in training sessions is to improve students' acquisition of methods of activation, teaching of theoretical and practical knowledge, concentration and application. Features of imparting knowledge to students through innovative methodology in the higher education system are shown.*

***Key words:** Educational system, methodology, education, interactive methods, pedagogy, innovative technology, game technology, high spirituality.*

### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар педагог кадрларнинг касбий компетентлик сифат (компетенция)ларига эгалликларини аниқлаш ва баҳолашни тақозо этмоқда. Шу боис сўнгги йилларда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида педагог кадрларнинг касбий компетентлик сифатларига эгаллигини аниқлаш ва баҳолашга эътибор қаратилиб, бу йўлда амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида педагог кадрларни етиштириш масаласи кўплаб умумий илмий, ижтимоий, маданий ва ахлоқий жараёнлар туташган жойдадир. Педагогларнинг ўзи муҳим ижтимоий рол ўйнайдиган зиёлиларнинг ўзига хос гуруҳини ташкил этади. Айнан олий таълим муассасасининг педагогси замонавий рақобат шароитида юқори малакали

мутахассисни шакллантиришга бевосита жавобгардир. Ўзбекистон Республикаси келажак тараққиёти нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий омилларга ва шу билан бирга маданиймаънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга боғлиқдир.

Таълимдаги ўқув жараёнининг сифати кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг усул ва методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, улар билимларнинг онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, талабаларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Усул ва метод тушунчалари ўзаро боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар бири метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам намоён бўлади. Таълим методлари: тушунча, функция, тасниф. «Метод» сўзининг юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади. Филофосия луғатида ушбу тушунча умумий тарзда «мақсадга эришиш усуллари» дея шарҳланган.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Педагогика амалиётида ўқитиш усуллари ва методларининг жуда катта бойлиги тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўйтилаётган фаннинг характери, болаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Форобийнинг фан ва санъатнинг афзаллиги ҳақидаги рисоласида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқитиш методларига қойиладиган талаблар ифодаланган. Олим ўзининг ўқитиш методлари ҳақидаги тушунтиришларида талабаларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш ёълларини ҳам кўрсатиш, уларни билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш кераклигини уқтирган.

Шарқ қомусий олимларининг асарларини таҳлил қилиш, ҳозирги терминологиядан фойдаланиб, мазкур асарлар муаллифларининг принциплари ва ўқитиш методлари билишнинг умумий қонунларига мувофиқлигини аниққаш имконини беради. Барча қомусий олимлар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: кўрсатмалли тажриба методлари (Ибн Сино), билимларни баён қилишнинг савол-жавобли ёъллари (Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий), кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, билимларни текшириш методлари (Форобий, ал-Хоразмий) ва ҳоказолардан иборатдир. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур олимларнинг барчаси талабалар фаолиятини кучайтириш ва уларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш мақсадини кўзлагандар.

Бурхониддин Зарнуджийнинг фикрича, инсоннинг билиш фаолияти билмасликдан билишга қараб боради. Ақл - фаол, ижодий кучдир, коинотни билиш қуролидир. Аммо дастлабки тажрибасиз билишнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки умуминсоний ақл тушунчаси таққослаш, кузатиш ва тажриба ёъли билан таркиб топади. Бундан шундай педагогик хулоса чиқариш мумкинки, инсон ҳиссий идрокни бойитиш билангина ўзининг билимларини ошира олади. Шунинг учун таълимда талабаларнинг ўзидаги тажрибага таянган методлардан иложи борича кенг фойдаланиш керак.

Методлар ва усулларни танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзунини умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланади. Дарснинг турли босқичларида пухта ойлаш ва самарали усуллар ҳамда методларни танлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчи дарснинг энг бошида 4-5 дақиқа умумий сўрашни амалга оширади ва талабаларнинг қайси гуруҳи ўтган дарс бойича етарли даражада ўзлаштирмаганини аниқлайди ва кейинги сўрашда синфнинг диққат-эътиборини энг аввал ана шу масалага қаратади. Дастлаб саволларга батафсил жавоб бера оладиган талабалардан сўрайди. Натижада синфнинг бир қисми учун мураккаблик қилган материал тушунарли бўлади. Бу усул талабаларнинг машғулотлардаги нуқсонларини пайқаш ва шу захоти бар்தараф этишда ёрдам беради. Мазкур усулнинг самарадорлиги ҳам худди ана шундадир.

Бугунги кунда таълим муассасалари талабаларини янгича тафаккурга эга, ижодий фикрловчи, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш ўқув муассасаларимиз олдида турган энг долзарб муаммолар сирасига киради. Бундай муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган самарали усуллар, воситалар ва уларни шакллантириш йўлларига ҳам боғлиқ. Демак, таълим муассасаларида ёшларни мустақил ишлаш фаоллигини бошқаришда профессор-педагог томонидан таълим-тарбия жараёнини узлуксиз равишда барча босқичларда амалга оширишларига боғлиқ, дейиш мумкин. Бунинг учун таълим даргоҳларида мустақил ишлашга ўрганиш тарбиясини шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўймоқ лозим. Педагогик таълим-тарбия тизимида ҳар бир фан талаба-ёшлар маънавиятини шакллантиришда маълум мақсадлар учун ўз таъсирини ўтказади. Талабаларни ахлоқ қоидалари, фанлар бўйича билимларни баҳолаш мезонлари, ички тартиб-қоидалари ва низомлари билан белгиланади. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Педагогикага оид адабиётларда педагогик ўйин деган тушунча мавжуд. Педагогик жараёни ташкил этишнинг бир қатор методлари ва усуллари ҳамда

турли шаклдаги педагогик ўйинлар — Ўйинли педагогик технологияни ташкил этади.

## REFERENCES

1. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 1993. -364 б.
2. Хустав А. Рол инноватсии в развитии образования и науки. – М., 2004.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва маҳорат. – Т., 2003.
4. Йўлдошев Ж.Ф. Педагогик технологиялар. – Т., 2000
5. Shaxzod Murtazaevich Mustafoev, & Svetlana Vladimirovna Temirova (2022). O'ZBEKISTONDA TRANSPORT SOHASIDAGI ISLOHOTLAR. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 566-569.6.
6. Umarova, R., Tursunovna, S. S., Mamajanova, G., Inamjonovna, R. M., & Temirova, S. (2022). COMPUTER PROGRAMS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES TO STUDENTS OF CORRESPONDENCE DEPARTMENTS. *湖南大学学报(自然科学版)*, 49(04).
7. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). THE PHENOMENON OF FRIENDSHIP IN THE SOCIAL VIEWS OF EASTERN THINKERS. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
8. Носиров, Р. А., & Темирова, С. В. (2021). Педагогическое наследие мыслителей Средней Азии. *Достижения науки и образования*, (2 (74)), 4-5.
9. Носиров, Р. А., & Темирова, С. В. (2021). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ТРАНСПОРТНОГО СООБЩЕНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ. *Научный журнал*, (1 (56)), 17-19.
10. Temirova, S. V. (2021). NEW UZBEKISTAN: FROM NATIONAL RECONSTRUCTION TO NATIONAL GROWTH. *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(04), 93-96.
11. Temirova, S. V., & Nazarova, N. J. R. (2022). SIYOSIY DEMOKRATIK DAVLAT BARPO ETISHNING HUQUQIY ASOSLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 357-360.
12. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO'NALISHI. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 2), 242-248.

13. Умарова, Р., Жўрабоев, Н. Ю., Собирова, С. Т., Темирова, С. В., & Рахимова, М. И. (2022). ИНСОННИНГ ТАБИЙЙ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ МАФКУРАСИ ТАХЛИЛИ. *Uzbek Scholar Journal*, 9, 125-127.
14. Rashod Adilovich Nosirov, & Svetlana Vladimirovna Temirova (2022). JAMIYAT HAYOTIDA KONSTITUTSIYANING O'RNI. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 2), 249-252.
15. М.Н.Хасанов, Д.А.Хафизов, Р.Х.Тоиров, & Х.Қ.Болтабоев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 137–140. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/new/article/view/627>
16. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sulstonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.
17. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
18. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.
19. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Х., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
20. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
21. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Sultanov, S., & Khasanov, M. (2022). METHODS AND MEANS OF FORMATION OF SPIRITUAL MORAL CONSCIOUSNESS IN STUDENTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN. *World scientific research journal*, 10(1), 257-262.